

---

## **"Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида жорий йилги "кузги дарахт экиш мавсуми" кенг кўламда ташкил этилмоқда**

Учкўприк туманида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида жорий йилги "кузги дарахт экиш мавсуми" кенг кўламда ташкил этилмоқда.

Кишлоқ ва маҳаллаларда, ташкилот ва муассасаларда аҳоли, ишчи-ходимлар иштироқида турли мевали, манзарали дарахт кўчатлари экилиб, ҳудудларда яшил майдонлар сони ортиб бормоқда. Ушбу эзгу ташаббусни қўллаб-кувватлаган маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари ҳам "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасида фаол иштирок этиб, ўз ҳудудларида яшил майдонлар кўпайишига муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Туман камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш маркази ташабbusи билан "Боғибўстон" маҳалла фуқаролар йиғинида ташкилланган навбатдаги акция давомида ҳоким ёрдамчилари ҳамда ички ишлар ходимлари томонидан 400 туп манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилди.

Шунингдек, "Қораянтоқ" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ҳоким ёрдамчилари томонидан 2 минг 500 туп терак кўчатлари ўтқазилди.

2024-12-12 13:56:35